

**Асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	Млрд. сўм	2013 йил январь–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	144867,9	108,1
Саноат маҳсулоти	75193,5	108,3
Истеъмол товарлари	29787,5	109,4
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	36957,0	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	33715,3	109,6
Қурилиш ишлари	19779,3	118,3
Юк айланмаси, млрд. тн–км	86,5	103,3
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	100,1	105,8
Чакана товар айланмаси	58643,4	114,3
Пуллик хизматлар	22683,1	111,4
Хизматлар, жами	82261,2	115,4
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.*)	28067,9	99,3
экспорт	14108,7	98,5
импорт	13959,2	100,1

*Давлат божхона қўмитасининг жорий йил 20 январдаги аниқлаштирилган маълумотларини ҳисобга олган ҳолда

Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш

2014 йил январь–декабрь ҳолатига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 144867,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2013 йил январь–декабрга нисбатан ўсиш суръати 8,1 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 82,9 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 17,1 фоизи – давлат секторига тўғри келди.


Январь–декабрда ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий тавсифи
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)**

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони – 273,6 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони – 246,7 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 90,2 фоизини ташкил қилди.

Тармоқлар кесимида рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 28,1 фоизи), саноат (17,3 фоизи), қурилиш (8,9 фоизи), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (8,3 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
Жами	273,6	100,0	246,7	100,0
шу жумладан:				
саноат	47,4	17,3	42,8	17,3
қурилиш	24,4	8,9	21,3	8,6
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	22,6	8,3	19,9	8,1
транспорт ва алоқа	11,0	4,0	9,8	4,0
ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари	22,7	8,3	20,0	8,1
савдо ва умумий овқатланиш	76,9	28,1	67,2	27,2
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,8	1,4	3,4	1,4
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	11,1	4,1	10,7	4,3


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда	минг бирлик	якунга нисбатан фоизда
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	21,9	8,0	21,4	8,7
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	31,8	11,6	30,2	12,3

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотлар умумий сонининг 85,6 фоизини нодавлат мулки шаклидаги корхона ва ташкилотлар, шундан

33,1 фоизини хусусий корхоналар, 1,8 фоизини чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 50,7 фоизини бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар ташкил этади.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январь ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йилнинг январь–декабрида жами 26,9 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари –


26,0 мингта). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 24,4 фоизи), Тошкент (9,9 фоизи), Фарғона (8,6 фоизи) ва Самарқанд (7,5 фоизи) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 28,3 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 24,0 фоизи саноат ва 11,7 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 20,0 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 5,8 мингтаси ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2014 йилнинг январь–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида, ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Кичик тадбиркорлик
(бизнес)**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва узоқ муддатли рағбатлантириш, уларнинг фоолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилётган тадбирлар 2014 йилда 26 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектларини (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) яратиш имконини берди.

2014 йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган Ялпи ички маҳсулот(ЯИМ)нинг 56,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига (55,8 фоиз) нисбатан 0,3 фоизга кўпдир.

2014 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

9897,5 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 77,2 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 7580,3 минг нафари индивидуал сектор, 2317,2 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 23967,2 млрд. сўми (жами саноат ишлаб чиқаришининг 31,9 фоизи) ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 117,6 фоизни ташкил қилди;

11716,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 34,8 фоизи) ўзлаштирилди ва 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 113,4 фоизни ташкил қилди;

13896,9 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 70,3 фоизи) бажарилди ва 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 115,5 фоизни ташкил қилди;

автомобил транспорти юк айланмасининг 8,6 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 83,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,8 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 88,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 45,4 фоизи ёки 26609,1 млрд. сўми (ўсиш 12,2 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг, мос равишда 48,5 фоизи ёки 11004,3 млрд. сўми (ўсиш 16,9 фоиз) шакллантирилди;

3661,9 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 6328,6 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 45,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.


2014 йилнинг январь–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	23967,2	34,5
Қишлоқ хўжалиги	36314,9	100,0
Қурилиш	13896,9	69,0
Чакана савдо	26609,1	65,9
Пуллик хизматлар	11004,3	89,1
Юк ташиш, млн.тн	644,5	69,7
Йўловчи ташиш, млн.киши	6187,1	92,8
Экспорт, млн. АҚШ долл.	3661,9	3,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	6328,6	16,0

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 9078,4 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 91,7 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2014 йилда 288 та (дастур доирасидаги ва дастурдан ташқари объектларни қўшган ҳолда) корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Энг кўп объектлар Тошкент вилоятида – 72 та, Наманган вилоятида – 39 та, Хоразм вилоятида – 29 та, Фарғона вилоятида – 23 та ва Қорақалпоғистон Республикасида – 21 та объект хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улуш маҳаллий ҳокимиятларга тўғри келади ва 220 та объектни ташкил этади.

2014 йилнинг январь–декабрида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағлари 88,0 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ҳудудлар кесимида давлат активларини сотишдан тушган пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (барча пул маблағларининг 45,0 фоизи), Қорақалпоғистон Республикасига (4,5 фоиз), Тошкент (28,8 фоиз), Бухоро (8,7 фоиз), Хоразм (3,3 фоиз) ва Наманган (1,8 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

2014 йилнинг январь–декабрида ташқи савдо айланмаси 28067,9 млн. АҚШ долларини (2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 99,3 фоиз), жумладан 14108,7 млн. АҚШ долларини (98,5 фоиз) – экспорт операциялари, 13959,2 млн. АҚШ долларини


(100,9 фоиз) – импорт операциялари ташкил этди.

2014 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида республиканинг ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	28067,9	100,0
МДҲ мамлакатлари	12471,3	44,4
бошқа давлатлар	15596,6	55,6
Экспорт	14108,7	100,0
МДҲ мамлакатлари	7139,9	50,6
бошқа давлатлар	6968,8	49,4
Импорт	13959,2	100,0
МДҲ мамлакатлари	5331,4	38,2
бошқа давлатлар	8627,8	61,8

2013–2014 йиллар январь–декабрида республика ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

фоизда




2014 йилнинг январь–декабрида республика экспорт–импорти таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млн. АҚШ доллари	таркиби, фоиз ҳисобида
Экспорт	14108,7	100,0
пахта толаси	1047,7	7,4
озиқ–овқат маҳсулотлари	1671,6	11,9
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	643,5	4,6
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3673,5	26,0
қора ва рангли металллар	978,5	6,9
машина ва ускуналар	546,2	3,9
хизматлар	3038,3	21,5
бошқалар	2509,4	17,8
Импорт	13959,2	100,0

	млн. АҚШ доллари	таркиби, фоиз ҳисобида
озиқ-овқат маҳсулотлари	1509,9	10,8
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2229,6	16,0
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	865,5	6,2
қора ва рангли металллар	1113,6	8,0
машина ва ускуналар	5521,5	39,6
хизматлар	1095,1	7,8
бошқалар	1624,0	11,6

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2014 йилнинг январь–декабрида республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улу– ши, фоиз ҳисоби– да
Россия	6106,3	92,2	21,8
Хитой	4756,8	105,5	16,9
Қозоғистон	3547,4	112,8	12,6
Корея Республикаси	2016,3	95,0	7,2
Туркия	1503,9	111,6	5,4
Германия	683,8	115,7	2,4


	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улу– ши, фоиз ҳисоби– да
Украина	607,6	59,8	2,2
Афғонистон	601,0	89,2	2,1
Туркманистон	412,9	116,6	1,5
Эрон	374,9	137,8	1,3
Ҳиндистон	315,9	121,2	1,1
АҚШ	288,6	74,5	1,0
Франция	287,5	89,2	1,0
Бразилия	259,3	98,6	0,9
Латвия	245,7	98,8	0,9
Қирғизистон	225,1	110,8	0,8
Япония	189,5	88,1	0,7
Италия	188,2	131,6	0,7
Беларусь	177,6	91,9	0,6
Тожикистон	160,0	105,5	0,6
Швейцария	150,2	105,9	0,5
Польша	145,5	87,5	0,5
БАА	120,3	96,9	0,4
Буюк Британия	106,1	81,1	0,4
Нидерландия	98,7	125,7	0,4
Чехия Республикаси	96,3	95,0	0,3
Литва	95,3	114,5	0,3
Бельгия	89,1	103,1	0,3
Австрия	88,2	112,8	0,3

	млн. АҚШ доллари	2013й. январь– декабрига нисбатан фоиз ҳисоби– да	Республика товар айлан– масида улу– ши, фоиз ҳисоби– да
Бангладеш	87,3	82,3	0,3
Аргентина	52,2	215,7	0,2


2014 йилнинг январь–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимёвий ва ундан тайёрланадиган маҳсулотлар
- Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

Саноат тармоқларини диверсификациялаш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши республика саноатининг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади. Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 75193,5 млрд. сўмни ёки

2013 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди. Саноатда меҳнат унумдорлигининг 6,5 фоизга ошиши саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ўз таъсирини кўрсатди.

Узоқ муддатли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай шароитларнинг яратилиши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кичик бизнеснинг саноат ишлаб чиқаришидаги улушининг ортишига ўз таъсирини кўрсатди ҳамда 31,9 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 28,1 фоиз) ташкил этди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий йилнинг январь-декабрь ойларида 3113,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмол молларини ишлаб чиқариш 2014 йилда 29787,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,4 фоизни ташкил қилди. Жумладан, 12739,1 млрд. сўмлик озиқ-овқат моллари (108,7 фоиз), 17048,4 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (110,0 фоиз) ишлаб чиқарилди. Истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 36,4 фоизга етди.


2014 йилнинг январь-декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 й. январь-декабрига нисбатан фоиз щисобида
Жами	75193,5	108,3
шу жумладан:		
электроэнергетика	5368,5	102,2
ёқилғи	9841,5	98,1
қора металлургия	1800,5	116,5
рангли металлургия	6580,1	101,7
кимё ва нефт-кимё	4107,7	108,9

	млрд. сўм	2013 й.
		январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	14828,3	113,5
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз	1261,0	112,3
қурилиш материаллари	4553,8	110,7
енгил	10555,5	116,1
озиқ–овқат	11993,9	107,6

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида




Қишлоқ хўжалиги

Жорий йилнинг январь–декабрида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 36957,0 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 106,9 фоизни ташкил қилди, жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари–21810,4 млрд. сўмни (106,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари–15146,6 млрд. сўмни (107,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда деҳқон хўжалиklarининг улуши 65,1 фоизни (2013 йил январь–декабрда 64,0 фоиз), фермер хўжалиklarининг улуши–32,9 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 34,0 фоиз), қишлоқ хўжалик корхоналарининг улуши–2,0 фоизни (ўтган йилнинг мос даврида 2,0 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончиликнинг улуши 59,0 фоизни (2013 йилда 59,8) ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 2014 йилда қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3677,9 минг гектарни ташкил этди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1655,4 минг гектарни ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 100,8

фоизни,
шу жумладан, буғдой экин майдони – 1454,6 минг гектарни (100,2 фоизни) ташкил қилди.

Пахта экин майдони 1301,1 минг гектарни ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 99,4 фоизни ташкил этди.

Озуқа экинлари майдони – 3,4 фоизга, картошка экин майдонлари – 2,6 фоизга, полиз экинлари майдони – 1,8 фоизга, сабзавот экин майдони – 1,4 фоизга кўпайди.

2014 йилнинг январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 8050,5 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилди, шу жумладан 7182,9 минг тоннасини бошоқли дон, шундан 6956,0 минг тоннасини буғдой ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ҳосили қуйидагича ифодаланади:

	2014й. январь–декабрь	
	минг тонна	2013й. январь–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	8050,5	103,1
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	7182,9	102,4
шундан:		
буғдой	6956,0	101,7
Пахта хом ашёси	3400,2	101,2
Картошка	2452,4	109,0
Сабзавот	9286,7	109,1
Полиз	1696,1	108,9
Мева ва резаворлар	2490,6	110,2
Узум	1441,2	109,0

Ҳисобот даврида 2452,4 минг тонна картошка, 9286,7 минг тонна

сабзаёт, 1696,1 минг тонна полиз экинлари, 2490,6 минг тонна мева ва резаворлар, 1441,2 минг тонна узум йиғиб олинди.

Чорвачилик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 41,0 фоизни (2013 йил январь–декабрида 40,2 фоиз) ташкил этди.

2014 йилнинг 1 январига нисбатан барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони 387,6 минг бошга (3,7 фоизга), шу жумладан сигирлар сони 64,3 минг бошга (1,6 фоизга), қўй ва эчкилар сони 727,2 минг бошга (4,1 фоизга), паррандалар сони 3857,8 минг бошга (7,4 фоизга) кўпайди.

Деҳқон хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,9 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,0 фоизни, шу жумладан сигирлар мос равишда – 94,5 ва 4,6 фоизни, қўй ва эчкилар – 83,8 ва 7,2 фоизни, отлар – 84,6 ва 9,7 фоизни, паррандалар – 63,4 ва 12,3 фоизни ташкил этди.

2014 йил январь–декабрида барча тоифадаги хўжаликларда 1906,5 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2013 йилга нисбатан 6,7 фоизга кўп), 8432,8 минг тонна сут (7,0 фоизга кўп), 4950,0 млн. дона тухум (13,0 фоизга кўп), 34,4 минг тонна жун (6,2 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2014й. январь–декабрь	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1906,5	106,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	55,3	112,8
деҳқон хўжаликлари	1800,2	106,5
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	51,0	105,8
Сут, минг тн.	8432,8	107,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	308,6	108,1
деҳқон хўжаликлари	8064,6	106,9
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	59,6	114,7

	2014й. январь–декабрь	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоизда
ри		
Тухум, млн. дона	4950,0	113,0
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	543,0	108,3
деҳқон хўжаликлари	2726,9	113,6
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	1680,1	113,7
Жун, тн.	34400	106,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	2797	124,9
деҳқон хўжаликлари	29490	104,8
қишлоқ хўжалик корхоналари	2113	105,1
Қоракўл тери, минг дона	1063,4	100,3
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	52,6	103,0
деҳқон хўжаликлари	831,9	103,8
қишлоқ хўжалик корхонала- ри	178,9	86,1

Деҳқон хўжалиklarининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 94,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,6 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 55,1 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 85,7 фоизни, қоракўл териси ишлаб чиқаришда 78,2 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликлари. 2014 йилнинг январь–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми

12142,0 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 104,8 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 32,9 фоизни ташкил этди.

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида йирик шохли қорамоллар 545,2 минг бошни, шу жумладан сигирлар 187,2 минг бошни, қўй ва эчкилар 1336,6 минг бошни, паррандалар 6670,8 минг бошни ташкил қилди.

2014 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар 5,4 минг бошга (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 фоизга), шу жумладан сигирлар – 0,9 минг бошга (0,5 фоизга), қўй ва эчкилар – 26,6 минг бошга (2,0 фоизга), паррандалар – 236,5 минг бошга (3,7 фоизга) кўпайди.

Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва уларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши қуйидагича ифодаланади:

	2014 йил		2013 йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Донли экинлар	6489,0	80,6	103,1
Пахта	3383,3	99,5	101,2
Картошка	585,0	23,9	107,8
Сабзавотлар	3254,2	35,0	107,3
Полиз экинлари	841,2	49,6	107,6
Мевалар	1135,9	45,6	108,3
Узум	766,3	53,2	106,3
Гўшт (тирик вазнда)	55,3	2,9	112,8
Сут	308,6	3,7	108,1

	2014 йил		2013 йилга нисбатан ўсиш суръати, фоизда
	минг тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	
Тухум, млн. дона	543,0	11,0	108,3
Жун, тонна	2797	8,1	124,9

Инвестициялар ва қурилиш

Қоракўл, минг дона	52,6	4,9	103,0
--------------------	------	-----	-------

2014 йилнинг январь–декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми 14,6 миллиард АҚШ долларини ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 110,9 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 33715,3 млрд. сўмга тенг бўлди ёки 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 109,6 фоизга ўсди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ЯИМга нисбати 23,3 фоизни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 фоизга ўсди.

2014 йилнинг январь–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

Жами	<u>яқунга нисбатан фоиз ҳисобида</u>	
	шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
	давлат	нодавлат

Жами инвестициялар, млрд.сўм	33715,3	7188,2	26527,1
шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:			
давлат бюджети маблағлари	4,7	20,3	0,4
суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари	0,3	1,7	0
корхоналар ва аҳоли маблағлари	52,7	29,2	59,0
чет эл инвестициялари ва кредитлари	20,2	14,2	21,9
банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	11,4	2,6	13,8
бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари	10,7	32,0	4,9



2014 йилнинг январь–декабрида иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
Жами	33715,3	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	22421,0	66,5
саноат	12239,7	36,3
шу жумладан:		
ёқилғи–энергетика	7271,3	21,6
металлургия	1107,2	3,3
кимё ва нефт–кимё	535,0	1,6
машинасозлик	660,0	1,9
енгил	765,4	2,3
озиқ–овқат	690,8	2,0

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисба- тан фоизда
қурилиш материаллари	658,2	1,9
қишлоқ хўжалиги	1435,9	4,3
қурилиш	775,3	2,3
транспорт ва алоқа	4817,6	14,3
савдо ва овқатланиш	1699,3	5,0
геология ва ер ости бойликларини излаш	809,6	2,4
бошқалар	643,6	1,9
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	11294,3	33,5
уй-жой қурилиш	7147,3	21,2
коммунал хўжалик	802,8	2,4
соғлиқни сақлаш	918,8	2,7
таълим	803,4	2,4
маданият ва санъат	215,8	0,6
бошқалар	1406,2	4,2

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестицияси
ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



- Ўқитиш ва алоқа
- Машинасозлик
- Ўқитиш ва алоқа
- Ўқитиш ва алоқа
- Ўқитиш ва алоқа
- Ўқитиш ва алоқа
- Ўқитиш ва алоқа
- Ўқитиш ва алоқа
- Ўқитиш ва алоқа

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 7147,3 млрд. сўми уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди ёки умумий ҳажмга нисбатан 63,3 фоизни ташкил этди.

2014 йилнинг январь-декабрида умумий майдони 11327,6 минг кв.м. (2013 йилнинг январь-декабрига нисбатан 106,8 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 8378,9 минг кв.м. (104,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Касалхоналар, поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуришда ва капитал қайта таъмирлашда 350,6 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг мос равишда 38,2 фоизини ташкил қилди.

Олий таълим муассасалари, лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 211,1 млрд. сўмлик инвестициялар, умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш ва қайта таъмирлашда 201,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг мос равишда 26,3 фоизини ва 25,1 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 414,2 млрд. сўм, шундан чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобидан 224,2 млрд. сўм


(54,1 фоизи), бюджет маблағлари ҳисобидан 147,1 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 35,5 фоизи), аҳоли, корхона ва молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан 42,9 млрд. сўм (10,4 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди; газ тармоқлари қурилишига 14,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, бу маблағнинг 11,5 млрд. сўми (80,4 фоизи) аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келади.

Қурилиш фаолияти. 2014 йилнинг январь–декабрида 19779,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2013 йилнинг январь–декабрга нисбатан 118,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,6 фоизи корхоналарни янги қурилиши, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 17,7 фоизи капитал ва жорий таъмирлашга, 1,7 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Транспорт


Юк ташиш. 2014 йилнинг январь–декабрида барча турдаги транспорт томонидан 1455,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 105,0 фоизни ташкил қилди. Шу билан бирга юк айланмаси 86,5 млрд.тн–км.ни ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 103,3 фоизни ташкил қилди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2014 йил январь–декабрь	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн.	1455,8	105,0
темир йўл транспортида	66,0	103,5
автомобил транспортида	1324,1	105,2
ҳаво транспортида, минг тн	23,1	105,1
қувур йўллари орқали	65,7	101,1
Юк айланмаси, млн. тн–км	86474,6	103,3
темир йўл транспортида	22931,9	100,1
автомобил транспортида	31464,0	107,8
ҳаво транспортида	124,6	107,1
қувур йўллари орқали	31954,1	101,4

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

**юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида**



2014 йил январь–декабрида магистрал темир йўл транспортида асосий турдаги юкларни ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	65947,8	103,5
шу жумладан:		
тошкўмир	4612,2	88,6
нефт маҳсулотлари	10437,8	85,6
қора металллар	846,1	99,9
қора метал темир–терсаклари	660,1	102,4
кимёвий ва минерал ўғитлар	4266,2	99,7
қурилиш материаллари	7651,9	111,5
цемент	5345,7	109,4
ёғоч–тахта материаллари	106,3	101,3
дон ва янчилган дон маҳсулотлари	1313,7	97,8

Автомобил транспортида 1324,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2013 йил январь–декабрига нисбатан 5,2 фоизга кўпдир. Юк айланмаси 31,5 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва 7,8 фоизга кўпайди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2013 йил январь–декабрь даражасидан 7,4 фоизга кўпайди ва 23,8 млрд. тн–км.ни ташкил қилди. Автомобил транспорти юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 75,7 фоизни (2013 йил январь–декабрда 76,1 фоизни) ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 23,1 минг тонна юк жўнатилган бўлиб, 2013 йил январь–декабрига нисбатан 5,1 фоизга кўпайди, юк айланмаси эса 7,1 фоизга ўсди ва 124,6 млн.тн–км.ни ташкил қилди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 32,0 млрд. тн–км.ни ташкил қилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоизга ошди

Йўловчи ташиш. Барча транспорт турлари томонидан 7321,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йил январь–декабрига нисбатан 4,8 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 5,8 фоизга кўпайиб, 100,1 млрд. йўловчи–км. ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2014 йил январь–декабрь	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	7321,3	104,8
темир йўл транспортида	19,2	110,1
автомобил транспортида	7230,4	104,9
ҳаво транспортида	2,3	96,2
шаҳар электр транспор- тида	69,4	93,5
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи–км	100095,7	105,8
темир йўл транспортида	3765,2	102,5

	2014 йил январь–декабрь	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
автомобил транспортида	88870,0	106,7
ҳаво транспортида	6990,6	97,7
шаҳар электр транспор- тида	469,9	94,7

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди ва бу 98,8 фоизни, йўловчи айланмасида эса 88,8 фоизни ташкил қилди.

Темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 10,1 фоизга ошди ва 19,2 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси эса 2,5 фоизга ошди ва 3765,2 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 2336,2 мингта йўловчи ташилди, бу кўрсаткич 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 3,8 фоизга камдир, йўловчи айланмаси эса 6990,6 млн. йўловчи–км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 фоизга пасайди.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан, мос равишда, 8,7 фоизга камайди.

Товарлар ва хизматлар бозори

2014 йилнинг январь–декабрида чакана товар айланмаси 58643,4 млрд. сўмни ёки 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 114,3 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ–овқат маҳсулотларининг улуши 50,9 фоизни, ноозиқ–овқат маҳсулотлари улуши 49,1 фоизни ташкил қилди (2013 йилнинг январь–декабрида – мос равишда 46,5 ва 53,5 фоиз).

2014 йилнинг январь–декабрида хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	58643,4	114,3
давлат мулки	95,1	103,6
нодавлат мулки	58548,3	114,3
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	41594,6	115,6

Савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси ҳажми 21794,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 11,8 фоизга ошган. Чакана товар айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 37,2 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана товар айланмаси савдо корхоналари умумий товар айланмасининг 21,5 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва қорамол сотиш ҳажми 16,4 фоизга ошди ва 24109,6 млрд. сўмга етди, унинг чакана товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 41,1 фоизни ташкил қилди.

Буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар товар айланмаси 12739,1 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2013 йил январь–декабрига нисбатан 14,5 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида ушбу секторнинг улуши 21,7 фоизга тенг бўлди.

2014 йилнинг январь–декабрида чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	58643,4	114,3	100,0
савдо корхоналари	21794,7	111,8	37,2
бозорлар	36848,7	115,8	62,8

	млрд. сўм	2013 йил январь–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирил- ган бозорлар	12739,1	114,5	21,7
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	24109,6	116,4	41,1

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 2014 йилнинг январь–декабрида 22683,1 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 111,4 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (умумий ҳажмнинг 58,5 фоизи), бу секторда хизматлар ҳажми 13262,7 млрд. сўмни ташкил қилди ва 8,0 фоизга кўпайди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 16,7 фоизга ўсиб, 9420,4 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 41,5 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 84,8 фоизни ташкил қилди.

2014 йилнинг январь–декабрида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	22683,1	100,0
давлат мулки	3433,4	15,2
нодавлат мулки	19249,7	84,8

шундан:

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
фуқароларнинг хусусий мулки	9842,5	43,3

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 9,4 фоизни ёки 2131,2 млрд. сўмни ташкил қилди, уларнинг реал ҳажми 2013 йилнинг январь–декабрига нисбатан 17,3 фоизга ошди.

Маиший хизматларнинг 87,6 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 1868,0 млрд. сўмни ташкил қилди ва 11,8 фоизга ошди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2014 йилнинг январь–декабрида қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	82261,2	115,4	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	4185,7	124,1	5,1
Компьютерли дастурлаш хизматлари	189,2	121,6	0,2
Молиявий хизматлар	6794,9	133,9	8,3
Транспорт хизматлари (логистика хизматларини қўшган ҳолда)	22163,3	108,9	27,0
Қурилиш хизматлари	3955,1	118,3	4,8
Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	418,4	123,3	0,5
Қишлоқ хўжалик техникалари- ни таъмирлаш ва техник хиз- мат кўрсатиш	109,3	124,6	0,1
Туризм–саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини	374,7	116,0	0,5

	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
қўшган ҳолда)			
Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	18856,6	117,5	22,9
Маиший хизматлар	2976,6	120,7	3,6
Таълим хизматлари	2173,0	110,2	2,6
Соғлиқни сақлаш хизматлари	845,3	114,2	1,0
Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлари	507,3	112,5	0,6
Бошқа хизматлар	18711,8	111,4	22,8

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар (133,9 фоиз), қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари (124,6 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (124,1 фоиз), технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (123,3 фоиз), компьютерли дастурлаш хизматлари (121,6 фоиз), маиший хизматлар (120,7 фоиз), қурилиш хизматлари (118,3 фоиз), савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (117,5 фоиз) ҳамда туризм-саёҳат хизматлари (меҳмонхоналар хизматини қўшган ҳолда) (116,0 фоиз) бўйича юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (логистика хизматларини қўшган ҳолда) (жами хизматларнинг 27,0 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (22,9 фоизи), молиявий хизматлар (8,3 фоизи), алоқа ва ахборотлаштириш (5,1 фоизи) хизматлари ҳиссасига тўғри келди.

Нарх ва тарифлар

Январь-декабрда
наرخлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(наrx-навонинг ўсиши, фоиз ҳисобида)

ўртгача ойлик даражаси		декабрь оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
2013й.	2014й.	2013й.	2014й.

Истеъмол нархлари индекси	0,5	0,5	6,8	6,1
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси	1,0	1,2	12,7	14,8
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тариф-ларининг индекси	1,3	0,9	17,1	11,7

**Январь-декабрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар
нархларининг индекслари
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2013й.	2014й.
Жами	112,7	114,8
шу жумладан:		
электроэнергетика	121,5	150,3
ёқилғи саноати	110,7	119,2
қора металлургия	120,6	105,2
рангли металлургия	112,0	113,3
кимё ва нефт-кимё саноати	123,0	113,3
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	110,5	104,6
ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	106,0	109,9
қурилиш материаллари саноати	121,9	92,7

	2013й.	2014й.
енгил саноат	111,6	108,4
озиқ-овқат саноати	106,9	113,0
ун-ёрма саноати	112,0	109,1

**Январь-декабрда юридик шахслар учун алоқа хизматлари
тарифларининг индекси
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2013й.	2014й.
Жами хизматлар	117,1	111,7
шу жумладан:		
почта алоқаси	101,1	174,2
шаҳар телефон алоқаси	101,5	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	121,5	100,0
уяли алоқа	156,3	109,7

Демографик ҳолат

Дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига республика доимий аҳолисининг сони 31025,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 532,7 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Шундан, 15746,8 минг киши – шаҳар (аҳоли умумий сонининг 50,8 фоизи)

жойларида ва 15278,7 минг киши – қишлоқ жойларида (49,2 фоизи) истиқомат қилади.

Январь–декабрда республика бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари қуйидагича ифодаланади:

	минг киши		ҳар 1000 кишига	
	2013 йил	2014 йил	2013 йил	2014 йил
Туғилганлар	679,5	721,5	22,5	23,5
Ўлганлар	145,7	150,4	4,8	4,9
шу жумладан бир ёшгача болалар ^{*)}	6,6	7,7	9,8	11,1
Никоҳлар, мингта	304,9	295,6	10,1	9,6
Ажралишлар, мингта	24,0	28,7	0,8	0,9

Туғилиш даражаси. 2014 йилнинг январь–декабрида туғилганлар сони 721,5 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (679,5 минг киши) нисбатан 42,0 минг кишига кўпайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 23,5 промиллени ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (22,5 промилле) нисбатан 1,0 промиллега кўпайди.

Ўлим даражаси. 2014 йилнинг январь–декабрида ўлганлар сони 150,4 мингтани ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига (145,7 минг киши) нисбатан 4,7 минг кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,9 промиллени ташкил қилди (2013 йил январь–декабрда 4,8 промилле).

Ўлганлар умумий сонидан 59,1 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,0 фоизи – ўсма касалликларидан, 5,7 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 5,3 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 6,1 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–декабрида бир ёшга тўлмаган 7,7 мингта болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 11,1 промиллени ташкил қилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 51,6 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 27,1 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 10,0 фоизи – туғма аномалиялардан

^{*)} Ҳар 1000 та туғилганга

ва 4,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2014 йилнинг январь–декабрида ФҲДЁ органларида 295,6 мингта никоҳлар ва 28,7 мингта ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,6 та (2013 йилнинг шу даврида – 10,1 та) никоҳ ва 0,9 та (2013 йилнинг шу даврида – 0,8 та) ажралишлар тўғри келади.

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–декабрь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 145,3 минг кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 183,8 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 38,5 минг кишини (2013 йилнинг шу даврида – минус 34,5 минг киши) ташкил этди.

Бандлик. 2014 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 13505,4 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 43,9 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2014 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 12818,4 минг кишини ташкил қилди ва 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга ошди.

Бандлар сонининг сезиларли ўсиш даражаси қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (3,9 фоизга), савдо, умумий овқатланиш, таъминот ва тайёрлов соҳасида (3,8 фоизга), уй–жой коммунал хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турида (3,7 фоизга), транспорт ва алоқа соҳасида (3,6 фоизга), қурилишда (3,4 фоизга) кузатилди.

2014 йилнинг январь–декабрида иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси (иқтисодиётда банд аҳолининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбати) 94,9 фоизни ташкил этди.

Нодавлат секторида жами бандлар улуши 81,9 фоизга етди, бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврида 81,3 фоизни ташкил қилган.

Ишсизлик*). 2014 йил декабрь ойи охирига меҳнат идораларида иш қидирувчилар сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони 3,4 минг кишини ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврига (5,4 минг киши) нисбатан 36,6 фоизга камайган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2007 йил 24 майдаги 106–сонли қарори билан тасдиқланган ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасига асосан аниқланган ишсизлар сони 2014 йил январь–декабрида 687,0 минг кишини ташкил қилди ва иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатан ишсизлик даражаси 5,1 фоизга тенг бўлди.

*) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги маълумотлари асосида